ЎЗЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА

СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАДИК ИНСТИТУТИ

АГРАНОМИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ВА КАРАНТИН

ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

| | |
|---|---|
| «ТАСДИҚЛАЙМАН» | «Химояга рухсат этаман» |
| факултет декани | кафедра мудири |
| К. Комилов | доцент Қ. Х. Хушвақтов |
| «30» 05 2014 й | «30» 05 2014 й |

Агрономия факултети «Ўсимликларни химоя қилиш ва карантин» таълим йўналиши 4-босқич 2-гурух талабаси Жўрабоева Махлиёнинг

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу:** Ғўзадаги саратони заракунандаларига ва уларга карши кураш чоралари.

**Илмий рахбари:** б.ф.д., проф. Кожевникова А.Г.

Андижон -2014

**ЎЗЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАДИК ИНСТИТУТИ**

**АГРАНОМИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ВА КАРАНТИН ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Кафедра мудири**

**доцент К.Х. Хушвактов**

**« 2 » 05 2014 й**

***4-босқич 2-гурух талабаси Жўрабоева Маҳлиёга***

***битирув малакавий ишини бажариш учун***

# ТОПШИРИҚ

1. « 2 » 05 2014 йил №88-Ст буйрук билан тасдикланган.
2. Мавзу: "Ғўзадаги саратони зараркунандаларига ва уларга карши кураш чоралари".
3. Битирув малакавий ишини тугатиш вакти «1» 03 2014 йил.
4. Битирув малакавий ишини бажариш учун керакли маълумотлар Кириш, Адабиётлар шархи, Тажриба ўтказиш услуби ва табиий иқлим шароити, Ғўза агротехникаси, Цикадалар биоэкологияси, тарқалиши ва зарари.
5. Битирув малакавий ишини асосий бўлимлари Кириш, Адабиётлар шархи, Тажриба ўтказиш услуби ва табиий иқлим шароити, Тажриба натижалари, Тажриба майдонида ғўзани ўсиш ва ривожланиш ва бошқалар.
6. Жадваллар рўйхати Тажриба ўтказиш услуби, Тажриба жойини табиий иқлим шароити, Ғўза агротехника тажриба майдонида ғўзани ўсиш ва ривожланиши, Саратонлар динамикаси, Биологик самарадорлик, Иктисодий самардорлик ва бошқалар.

7. Битирув малакавий ишининг режаси.

| № | **Битирув малакавий ишининг қисмлари** | **Асосий қисмни бажариш вақти** | **Текширувдан ўтганлик белгиси** |
|---|---|---|---|
| 1. | Кириш | 2013-2014 | |
| 2. | Адабиётлар шархи | 2013-2014 | |
| 3. | Тажриба ўтказиш жойи ва табиий иқлим шароити | 2013 | |
| 4. | Тажриба ўтказиш услуби | 2013 | |
| 5. | Тажриба натижалари | 2014 | |
| 6. | Хулоса | 2014 | |
| 7. | Фойдаланилган адабиётлар | 2014 | |

**Топшириқ берилган вақти «1» 01 2012 йил**

Илмий рахбари: ______________________ проф. А.Г. Кожевникова

Талаба: ______________________ Жўрабоева Маҳлиё

**Андижон қишлоқ хўжалик институти Агрономия факультети Ўсимликлар ҳимояси ва карантин таълим йўналиши бўйича битирувчи**

Жўрабоева [illegible] нинг

битирув малакавий ишига

## ТАҚРИЗ

Битирув малакавий иши мавзуси Ғўзадаги сўрувчи зараркунандаларига ва уларга қарши кураш чоралари

Чизмалар сони 15 Тушунтириш ёзуви сони 55

Битирув малакавий ишининг бажарилишини топшириққа мос келиши

Топшириққа мос келади

Битирув малакавий ишининг ҳар бир бўлимининг бажарилиши, битурвчи томонидан фан, техника ва илғор иш усулларини қўлланиши

Битирув малакавий ишини ёзишда ҳар бир бўлимида илғор фан техника ва иш усулларидан фойдаланилади.

Битирув малакавий ишининг ижобий рўйхати ва тушунтириш ёзувининг сифати

Битирув малакавий иши рўйхати ва тушунтириш ёзувлари жуда яхши ёзилган.

Битирув малакавий ишида йўл қўйилган камчиликлар

Битирув малакавий ишида қуйидаги камчиликлар бор: Орфографик хатоларга йўл қўйилган.

Битирувчининг умумий таълим ва умумтехника фанлари бўйича тайёргарлигини баҳолаш (битирувчи билан мулоқот натижаси)

Умумий таълим ва умумагрономик, [illegible] [illegible] фанлар бўйича мулоқотдан жуда яхши ўтди.

Битирув малакавий иши бўйича умумий мулоҳаза

Юқоридагиларни ҳисобга олиб битирув малакавий ишини ЯДАК ҳимояга тавсия қилади.

Тақризчи [illegible] К. Фамилияси И.Ш.

«1» 04 20__ й

доцент Илмий унвони,

даражаси [illegible]

Иш жойи ва лавозими [illegible]

Жўрабоева Махлиёнинг Андижон вилоят, Избоскан тумани А. Нуриддинов ф/х шароитида "Ғўзадаги саратони заракурандаларига ва уларга карши кураш чоралари" мавзусидаги битирув малакавий ишига

## ТАҚРИЗ

Жўрабоева Махлиё "Ўсимликлар химоя ва карантин" таълим йўналишининг 4 – боскич битирувчи талабаси.

У фаол, истедодли, мулохазалий, қизиқувчан, талабадир. Жўрабоева Махлиё олийгохнинг энг яхши талабаларидан бири хисобланади.

Жўрабоева Махлиё тажриба ўтказиш натижалар асосида битирув малакавий ишини ёзди. У ўз олдига қўйган топшириқни бажарди.

Мен битирув малакавий ишини аъло бахога, Жўрабоева Махлиё эса "Олим агроном" деган юксак номга муносиб деб хисоблайман.

**Биология фанлари доктори**

**Профессор:** **А. Г. Кожевникова**

KADRLAR BO'LIMI

**01.03.2014 йил**

**РУХСАТНОМА**

***Ўсимликлар химояси ва карантин кафедраси*** «_17_» «_05_» **2014**-йилдаги йиғилишида ***Агрономия*** факультети ***Ўсимликларни химоя қилиш ва карантин*** таълим йўналиши 4-босқич 2-гурух талабаси **Жўрабоева Маҳлиёхон Рўстамжон** қизининг, "Избоскан тумани шароитида ғўзадаги саратони зараркунандаларига ва уларга қарши кураш чоралари" мавзусидаги битирув малакавий иши кўриб чиқилиб мухокама қилинди ва кафедра йиғилишининг №_8_ қарорига асосан у Якуний Давлат Аттестация Комиссиясининг хузурида химоя қилишга рухсат берилди.

Қарор аслига тўғри деб

**Кафедра мудири:** **доцент: Қ. Х. Хушвақтов**

# МУНДАРИЖА


1. Кириш . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 5-8 бет

2. Адабиётлар шархи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 9-12 бет

3. Тажриба ўтказиш жойи ва табиий иқлим шароити ......... 13-17 бет

4. Тажриба ўтказиш услуби . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .18-20 бет

5. Тажриба натижалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 21-48 бет

5.1. Тажриба майдонида ғўзани ўсиш ва ривожланиши . . . . . . . 21-23 бет

5.2. Ғўза агротехникаси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .24-30 бет

5.3. Цикадалар биоэкологияси, динамикаси ва зарари . . . . . . . . 31-39 бет

5.4. Цикадаларга қарши кимёвий кураш чоралари . . . . . . . . . . . 40-41 бет

5.5. Биологик самарадорлиги . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .42-44 бет

5.6. Иктисодий самарадорлиги . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .45-47 бет

5.7. Математик тахлили . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 48 бет

6. Хулоса . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 49-50 бет

7. Фойдаланилган адабиётлар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .51-55 бет

## 1.Кириш

"Мамлакатамизда баркарор" ва самарали иктисодиётни шакиллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохатлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмокда

**И. А. Каримов (2014)**

2014-йил 17-январ куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013- йил якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган энг мухим устувор йўналишларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлатимиз рахбари таькидлаганидек, 2013-йилда мамлакатимизда ялпи ички махсулотнинг ўсиши 8 фоизни, саноат махсулоти ишлаб чикариш хажми - 8,8 фоизни, кишлок хўжалик махсулотлари етиштириш хажми - 6,8 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари хажми - 16,6 фоизга, хизматлар хажми 13,5 фоизга, чакана товар айланмаси - 14,8 фоизга ўсди Давлат бюджети ялпи ички махсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмай 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган 2013 йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга кўпайди. 3,36 миллион тонна пахта хом ашёси, 7,8миллион тонна галла, 8,4 миллион тонна сабзавот махсулотлари етиштирилди. Кичик

тадбиркорлик сохасида 26 мингдан зиёд янги субьектлар ташкил этилди.

2013 йилда 970 минг нафарга якин киши иш билан таминланди, улардан 60,3 фоиздан ортиғи қишлок жойларида ташкил этилди. Ахолининг реал даромадлари 16 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда Амударё билан Сирдарё ўртасида жойлашган бўлиб, униг худуди Шимоли-Ғарбда Турон паст текислигини Жануби-шарқида Тяншан ва Олой тоғ тизмаларини Жануби-Ғарбда Қизилкум чўлларининг бир кисмини эгаллайди. Унинг Ғарбдан Шаркгача бўлган майдони узунлиги 1425 километрни, Шимолдан Жанубгача бўлган майдонни узунлиги 930 километрни ташкил этади.

Ўзбекистон жуда катта имкониятларга эга бўлган мамлакат. Унда табиат бойликлари, хосилдор ерлар, мехнат ресурслари, кудратли иктисодий, илмий-техникавий ва маьнавий потенциалга эга.

Ўзбекистон ривожланган кўп тармокли қишлок хўжалигига эга. У асосан суғориладиган дехкончилик билан шуғулланишга ихтисослашган. Ялпи ишлаб чикариш махсулот хажмининг ярмидан кўпроғи агросаноат комплексининг хиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон кимматбахо хом ашё - пахта етиштириб берадиган жахондаги энг йирик ўлкалардан бири хисобланади. Бутун Марказий Осиёда етиштирилаётган икки миллион тоннага якин пахта толасини 1,5 миллион тоннаси Ўзбекистон хиссасига тўғри келади. Республикамиз пахта толаси ишлаб чикариш буйича дунёда Республикамиз пахта толаси

ишлаб чиқариш бўйича дунёда Хитой, АҚШ ва Хиндистондан кейин тўртинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради.

Хар йили республикамиз далаларида полиз ва боғларида 3 миллион тоннагача мева ва сабзавотлар етиштирилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган шойи, жун, қоракўл, тери ва шу махсулотлардан тайёрланган буйумлар хорижий давлатларда хам харидоргир буйумлардан хисобланади.

Ўзбекистоннинг кескин континентал хисобланган гурух иклим шароитида қишлоқ хўжалик сохасидаги ишларнинг мувофаккияти кўп жихатдан ирригатцияга боғлик. Республикамиз ирригатция комплекси 20 йирик сув омбори 160 минг километрга чўзилган ЮООга якин суғориш тармокларини, кўплаб насос станциялари хамда бошка замонавий мураккаб техника билан жихозланган иншоотларни ўз ичига олади.

Иссиклик ва куёш нурининг мўл кўллиги, вегетация даврининг узоклиги, тупрокнинг унумдорлиги, ерларни суғорилиши буларнинг ҳаммаси энг кимматли техника экинлари ва мевачиликни ривожлантириш учун кулай шароит туғдиради.

Ўзбекистонда шоли, буғдой, сут, гўшт, сабзавот, полиз махсулотларни етиштириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Республикаемиз худуди қишлоқ хўжалигида дехқончилик қилиш бўйича бир нечта зонага бўлинади:

- тоғлик олди;
- обикор дехкончилик;
- чўл яйлов.

Қишлоқ хўжалик энтомологияси агрономик фан бўлиб у кишлоқ хўжалик экинларига зарар етказадиган хашоратларни ўрганади. Ўсимликнинг шкасланишига бўлган муносабатини ва кураш усулларини ишлаб чиқади. Қишлоқ хўжалик энтомологиясини асосий вазифаси- ўсимликларга хашоротлар томонидан етказиладиган зарарини камайтириш ёки олдини олиш. Маълумотларга кўра йилига бугун дунёда ўстирилаётган ўсимликлар хосилининг 35 % нобуд бўлади, унинг 14 % зарарли хашоротлар улушига тўғри келади. Бундан ташқари 20 % хосил омборларда сақлаш пайтида нобуд бўлади. Бизнинг мамлакатимизда хам кишлоқ хўжалик экинларига турли зараркунандалар зарар етказиши мумкин. Республикамизнинг географик ўрни ва тог иклим шароитлари дехқончиликнинг барча турлари яхши ривожланади.

## 2. Адабиётлар шархи.

Цикадалар ёки саратонлар кам ўрганилган хашоратдир. Улар хавфли зараркунанда бўлиб, ўсимликларнинг вирусли касалликларини ташувчи хисобланадилар. Бирок хозиргача Андижон вилояти, Избоскан тумани шароитида таркалган турлари ва зарари ўрганилмаган.

Бизнинг "А.Нуриддинов" фермер хўжалиги шароитида гўзадаги саратон зараркунандаларига карши кураш чораларини ўрганиш мавзусидаги ишимиз илк изланиш хисобланади.

Марказий Осиёда цикадани ўрганишда А.Д.Емельянов (1961,1968,1972), В.Н.Лочвиненко (1975,1978), Г. К. Дубоски (1957,1966, 1979, 1980,1985), А. А. Захваткин (1986), А. Н. Киренченко (1987, 1989), Х. А. Сулаймонов (1990, 1995, 2012) каби олимлар ўз хисобларини қўйганлар.

Ўзбекистонда цикада заракунандаси жуда кам ўрганилган. Маданий экинларга зарар келтирадиган цикадаларнинг барча турлари халигача тўлиқ аниқланмаган.

В. Н. Кузнецов (1999) маълумотига кўра дала, сабзавот, техник экинлар хамда доривор ўсимликларни 23 турдаги Cicadinea-зараркурандали заралайдилар.

Х. А. Сулаймонов (1999): "Ўзбекистоннинг жанубидаги яйлов ва дала экинлари 26 турдаги цикадалардан зараланади", деб айтган.

Ер, сув, қазилма бойликлар, ўсимликлар ва хайвонлар халк бойлигидир. Ўзбекирстон ботаниклари томонидан 1941 йилан бошлаб, то 1962-йилгача "Ўзбекистон флораси"нинг кўп марта нашр этилганлиги, зология сохасида эса айникса умумрткасиз хайвонлар бўйича бундай ишнинг амалга оиширлмаганлиги туфайли, кутубхоналардан умурткасиз хайвонлар зологияси бошқа фанлардан оркада колган экан, деган фикир пайдо килмаслиги керак. Лекин Ўзбекистонинг умурткасиз хайвонлари хали тўлик ўрганилган эмас (Р. О. Олимжанов, 1956).

30 йилларда В. П. Невиский, В. В. Яхонтов, М. И. Кособудцкий, Ф. М. Успенский ва бошқа энтомолог олимлар муваффакиятли иш олиб бордилар. (С. Н. Алимуххаммедов, 1960).

Ўзбек зоолог олимларининг етишиб чиқишида академик Е. Н. Павловски ва К. И. Скрябинлар бошчилигидаги Москва, Лелинград олимларининг ёрдамлари катта бўлди. Ўша даврда яшаган олимларнинг хизмати яна шундаки, улар энтамологияга доир илмий тадкикот ишларини ривожлантириш билан бирга миллий кадрлар тайёрлашга хам катта ахамият берганлар (А. М. Мухамадиев, 1986).

Хашоратлар синфи-Insecta ер юзасида кенг тарқалган барча уч жуфт оёкли организмларни ўз ичига олади. (В. Ф. Натали, 1960).

Уларнинг танаси бош, кўкрак ва корин кисмларга бўлинади. Бу синфнинг кўпчилик вакиллари учишга хам мослашган бўлиб, улар умумрткасиз хайвонлар орасида ягона группани ташкил килади. (Г. Я. Бей-Биенко, 1980).

Хашоратлар синфи турларининг сони жихатидан энг олдинги ўринда туради. Ўрганилган хашоратлар турининг сони, хар - хил адабиёт маълумотларига кўра 900000 дан 1500000 гача етади. (С. Н. Алимухаммедов, 1982).

Шу билан бирга хар йили ер курраси бўйлаб минглаб янги турлар очилмокда ва ўрганилмокда.

Г. К. Дубовский томонидан Марказий Осиё шароитида цикадасимонларнинг 500 дан ортик янги тури очилган. (С. Н. Алимухаммедов, 1985).

Агар хашоратларнинг кенг таркалишига ва кўп сондалигига эътибор берилса, уларнинг биоценозда тутган ўрни ва уларни ўрганиш накадар ката ахамиятга эга эканлиги аник бўлади. (Г. К. Дубовский, А. М. Умматов, 1991).

Фарғона водийсидаги цикадаларни ўрганишда кўплаб изланишлар олиб борган олим Дубовски (1960, 1968, 1972, 1978, 1980, 1981, 1990, 1998, 1999) хисобланади.

Ўзбекистондаги кишлок хўжалиги экинларининг цикада зараркунандаларини ўрганишда З. М. Мўминова (2001,2005),

А. Г. Кожевникова (1980, 2000, 2006, 2010, 2011, 2012, 2013), Х. А. Сулайманов (2011, 2013) лар кўплаб изланишлар олиб борганлар.

Профессорлар А. Г. Кожевникова (2012, 2013, 2014) маълумотига кўра Андижон вилоятида 208 турдаги цикадалар аниқланган. Улар 112 авлод ва 11 олилага мансуб бўлиб, ушбу оилалар таркибидаги турлар қуйидагича тақсимланади: Cixiidae-10 тур, Delphacidae-16 тур, Derdidae-1 тур, Dictyopxaridae-7 тур, Tropiducide-1 тур, Tettigometridae-4 тур, Yssidae-11 тур, Cicadidae-3 тур, Cercopidae-7 тур, Membracadae-1 тур, Cicadellidae-147 тур, турни ўз ичига олади

Биз тажрибамизни Избоскан тумани "А. Нуриддинов фермер хўжалиги" далаларида олиб борамиз.

Тажриба ўтказишимиздан мақсадимиз Андижон вилояти шароитида ғўза саратонларини ўрганиш ва унга қарши курашиш.

## 3. Тажриба ўтказиш жойи ва табиий иқлим шароити

Бизнинг тажрибамиз Андижон вилояти, Избоскан тумани, «А. Нуриддинов» фермер хўжалигининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқларида ўтказилди.

«А. Нуриддинов» фермер хўжалигининг худудий чегараси қуйидагича: Шимолда Избоскан тумани, Жанубда Андижон тумани маркази, Шарқда «Юсуфхон» фермер хўжалиги, Ғарбда эса Қора дарё билан чегарадошдир.

Умумий ер майдони 200 гектар бўлиб, 100 гектар ғўза, 80 гектар буғдой, 20 гектар боғ ва бошқа экинлар экилган.

Хўжалик тупроғи ўтлоқи тупрок хисобланади.

Бу тупрокларда кишлок хўжалик экинларининг ўзлаштирилиши осон бўлган моддалар: чиринди, азот, фосфор, калий ва бошқа озуқа элементлар янги ўзлаштирилган тупрокларга нисбатан 1,5-2 баробар кўпдир.

Тупроқнинг унумдорлик даражасини белгиловчи асосий омилларидан бири тупроқнинг механик таркибидир. Унинг физик ва химик хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради.

Тажриба даласининг тупроғи механик таркиби бўйича ўртача қумоқдир.

Тупроққа ишлов бериш вақтида унга зичлашмайди. Сув ўтказувчанлиги, ионни тутиш структураси яхши.

Ёгингарчиликдан сўнг кучли каткалок бўлмайди. Сизот сувининг сатхи 2-3 метр.

Тупрокнинг физик хоссасалари билан тупрок намлиги, ушбу тупрокнинг хосилдорлик даражасини оширишда катта ахамият ўйнайди.

Тупрокнинг юкори хосилдорлик даражасини оширувчи омиллардан бири бу агрокиёвий моддалар билан таъминланганлигидир. Бундай моддаларга гумус, азот, фосфор, калий киради. Гумус тупрокдаги ўсимлик ва хайвонот организмлари колдикларининг чириш натижасида ўзгарган тўк тусли мураккаб органик бирикмадир. Ўкув илмий ишлаб чикариш тажриба хўжалигининг тупрокларига бироз характеристика берадиган бўлсак, гумус микдори хайдов катламида 1-1,5 %ни ташкил этади.

Тупрокда чириндиларнинг кўпайиши билан азотнинг микдори хам мос равишда кўпаяди. Тупрок гумус микдори кўп бўлиши унинг унимдорлик даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлардандир. Тупрокдаги фосфор микдори 0,182% дан 0,295%гача, умумий калий эса 0,566%дан 1,264%гача оралиқда. Бу жуда оздир. Харакатчан фосфор элементи тупрокда 44-56 мг/кг, алмашинувчи калий 115,5-136,6 кг/мг оралиқда аникланади.

Тажриба ўтказилган худуд иклими бўйича мўтадил тоғ олди, ярим чўл минтакасиға киради. Водийнинг хар томонлама тоғлар билан ўралганлиги учун иклим кўрсаткичларидаги ўзгаришлар аста секинлик билан ўзгаради. Вилоятда ўзига хос мураккаблик хусусиятига эга.

Яъни ўсимликларнинг ўсув дарида ёғингарчилик умумий миқдорининг оз бўлиши, ёз ойларида об-хавонинг ва тупроқнинг исиб кетишига, тупроқдаги намликнинг буғланиш даражасини ошишига олиб келади.

Фойдали харорат йиғиндиси 2370-2400$^0$С га температура 10$^0$С юқори хароратли кунлар 220-225 кун, куз фаслида биринчи совуқ тушиши ноябр ойининг иккинчи ўн кунлигига тўғри келади.

Кўп йиллик маълумотларга қараганда, тупроқда биринчи қор қопланиш декабрнинг охирларида хосил бўлади.

Эрта бахорда ер устидан қорнинг эриб кетиши феврал ойининг охири март ойининг бошларига тўғри келади.

Қиш даври оз бўлиб, ёғингарчилик кўп йиллик ўртача 206 мм ни ташкил этади, бу ёғингарчиликнинг 70-80% қиш ва бахор ойларига тўғри келади.

Абиотик омиллар ичида ҳаётий муҳит шароитини яратишда иқлим омиллари—иссиқлик, намлик, ёруғлик ва хаво харакати муҳим рўй ўйнайди. Айниқса, хашаротлар учун иссиқлик—термик омил катта рўль ўйнайди. Чунки ҳашаротлар совуққонлилар—пойкилотерм-организмидир, яъни доимий тана ҳароратига эга эмас. Шунинг учун ҳашаротларнинг ҳаёт функцисияси, уларнинг хулқи, ўсиш тезлиги, популяция динамикаси ташқи муҳит харорати билан аниқланади.

Ҳашаротлар одатда 10$^0$С-40$^0$С ў ртасидаги иссиқликда ҳаракатчан

бўлади. Ҳарорат пасайганда ҳашаротлар овкатланишдан, сўнгра харакатланишдан тўхтайди ва нобуд бўлади. Ҳароратнинг нормадан ортиқ кўтарилиши ҳам ҳашаротларга салбий таъсир кўрсатади.

Ҳарорат ҳашарот жинсий махсулотнинг етилишига хам таъсир этади.

Ҳашаротларнинг эмбрионал ва постэмбрионал тараккиёти юкори ҳароратда тезлашади. Натижада тарккиёт цикли кискаради ва ҳашарот тезроқ кўпаяди.

Хар хил турга мансуб ҳашаротларнинг юқори температурада тез ривожланишининг маълум чегараси бор.

2012-2013 йиллардаги ўртача ойлик харорат (°С)

3.1-Жадвал

| Ойлар / Йиллар | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII | IX | X | XI | XII |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2012 | -2,8 | -1,3 | 7,1 | 16,1 | 21,1 | 26,6 | 27,4 | 26,8 | 18,7 | 14,8 | 7 | -7,4 |
| 2013 | -12,6 | -5,6 | 6,7 | 14,3 | 25,1 | 27,2 | 27,5 | 26,3 | 19,7 | 16,8 | 6,5 | -6.4 |

2012-2013 йиллардаги ўртача ойлик ёғин миқдори (мм)

3.2-Жадвал

| Ойлар / Йиллар | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII | IX | X | XI | XII |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2012 | 33,4 | 32,1 | 64,1 | 10,2 | 25,1 | 13,1 | 8,4 | 5,1 | 13,6 | 19,7 | 32,1 | 28,1 |
| 2013 | 28,5 | 33,3 | 68,3 | 14,2 | 20,1 | 11,4 | 2,7 | 1,5 | 12,0 | 21,7 | 30,4 | 26,2 |

## 4. Тажриба ўтказиш услуби

Хашоратлар синфи – Инсекта турлар сони жихатидан энг олдинги ўринда туради. Фанга маълум бўлган турларнинг 70 % якини уларга тўгри келади.

Ўрганилган хашоратлар турларининг сони хар хил адабиётларда турлича бўлиб 1900 000 дан 1500 000 гача боради.

МДХ мамлакатларида ғўза билан 220 турдан бўғим оёклилар озикланиб, шуларда 200 турдан кўпроғи хашоратлардир.

Ўзбекистон худудида эса 214 турдаги бўғим оёклилар, жумладан 203 тур хашоратлар учрайди.

Юкорида таъкидлаганимиздек, ғўза ўсимлиги хашорат ва каналарга тез чалинувчи ва чидамсиздир. Агар карши курашилмаса хосилни 30-40% ни йўкотади.

Саратон зараркунандаларини качон кишлашдан чикиши, кайси фазасида кишлаши, неча авлод бериши, кайси авлод энг кучли зарар келтириши, зарарлилик иктисодий чорасини билмасдан туриб унга карши курашилса салбий окибатларга олиб келиши мумкин.

Айникса, кимёвий воситаларни кўллаш табиат мувозанатини бузиб юборади.

Шунинг учун биринчи навбатда саротонни биологияси, таркалишини ва зарарини чукур тахлил килиб, ғўза Cicadineалари зарарланишлик иктисодий чегарасидан ошганда кимёвий курашни кўллаш

яхши самара беради.

Мақсад "А. Нуриддинов ф/х" хўжалиги шароитида ғўзадаги саратон зараркунандаларига қарши кураш чораларини ўрганиш.

Дала тажрибалари Андижон вилояти, Избоскан тумани, "А. Нуриддинов фермер хўжалиги" далаларида олиб борилди. Саратон заракунандалари биоэкологияси ривожланиши, тарқалиши, зарари, динамика, кимёвий воситани таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди.

Тажриба тизими № 4,1 - жадвалда келтирилган. Дала тажрибаси 4 қайтариқ, 2 вариантдан иборат.

Ҳар бир вариант 8 қаторли, делянкаларни узунлиги 100 метрдан бўлиб, эни 7,2 метрни ташкил этади. Экиш схемаси 90 х 10:1.

Ҳар бир делянкани умумий майдони 720 $м^2$ ни ташкил қилади. Тажрибани умумий майдони 5760 $м^2$ ни ташкил этади.

Ҳар бир вариантдан ҳисоблаш учун 100 тадан ўсимлик танлаб олинади.

Барча фенологик кузатувлар Ўз ЎХКИТИ (2004) Ўз ПИТИ (2007) услубий қўлланмалар асосида олиб борилади.

Тажриба натижалари математик таҳлил Б.А.Доспехов, 1985 услуби бўйича аниқланади.

## ТАЖРИБА СХЕМАСИ

3.1-Жадвал

| I вариант | II вариант | I вариант | II вариант | I вариант | II вариант | I вариант | II вариант |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 қайтарик | | 2- қайтарик | | 3-қайтарик | | 4-қайтарик | |

I Вариант- Назорат-Standart

II Вариант-Тажриба-55% эм.к. Нурелл-Д,1л/га

## 5. Тажриба натижалари

### 5.1. Тажриба майдонида ғўзани ўсиш ва ривожланиши

Ғўзани "Андижон-36" нави 2001 йили Ўзбекистон пахтачилик илмий - тадкикот институти Андижон филиалида М.Дадажонов, А.Косимов ва бошкалар томонидан яратилган. "Андижон - 36" навининг тупи цлиндирсимон шаклда, бўйи 110-120 сантиметр. Пояси мустаҳкам, ётиб колмайди, куячсиз тукланган. Шохланиш тури - 1, ўсув шохлар сони 0-1 дона бўлади. Биринчи хосил шохи 5-6 бўғиндан чикади, ўртапишар навлар сирасига киради, амал даври 122-125 кун.

Барглари ўртача катталик, 3-5 бўлмали, киркилгансимон, ўртача тукланган. Гули ўртача катталикда, гултож барглари оч сарик, кўсаклари ўртача катталикда, овалсимон, 4-5 чанокли, тумшукчали. Бир кўсакдаги пахта вазни 5,5-6,0 грамм атрофида. Чигит тукли, кулранг, 1000 дона чигит вазни 108-115 грамм. Навининг тола хусусиятлари: ок рангли узунлиги 34-35 миллиметр, тола чикиши 38,6 фоиз, пишиклиги 4,6 грамм/куч, нисбий узилиш узунлиги 28,4 гк/текс, метрик раками 6130, микрометри 4,6 IV — саноат типига мансуб.

Ғўзанинг янги "Андижон-36" навини тупроғи унумдор майдонларга жойлаштириш максадга мувофик. Уни муайян тупрок шароитига, ернинг нишаблигига, рельефига монанд холда 60 ва 90 сантиметрли катор ораларга экиш мумкин. Макбул чигит экиш муддати оддий: очик усулда 1-20 апрел "Андижон -36" ғўза навини чилпиш муайян майдондаги ғазанинг

кўчат қалинлигини ҳисобга олиб ўтказилади.

Нав кўчат қалинлиги гектар хисобига 80-90 минг туп бўлганда, бир туп ўсимлик ўртача 14-15 хосил шохи, 100-120 минг туп бўлганда, 13-14 хосил шохи, 120-140 минг туп бўлганда эса 12-13 хосил шохи пайдо бўлганда чилпиш амалга оширилади. "Андижон-36" ҳар гектар майдонида 40-45 центнердан сифатли ва эртаки пахта ҳосили етиштириш мумкин.

**Ғўзани ўсиш ва ривожланиши**

**5.1.1-Жадвал**

| № | Вариантлар | 1 июн | | 1 июл | | 1 август | 1 сентябр | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Асосий поя баландлиги, см | Шоналар сони, дона | Асосий поя баландлиги, см | Хосил элементлари, дона | Асосий поя баландлиги, см | Очилган кўсак сони, дона | Жами кўсак сони, дона |
| 1 | I Вариант | 19,9 | 3,2 | 67,4 | 3,3 | 106,1 | 4,9 | 10,6 |
| 2 | II Вариант | 19,9 | 3,2 | 71,1 | 7,3 | 112,4 | 9,4 | 18,2 |

## 5.2 Ғўза агротехникаси.

Агротехника тадбирлари зарарли организмларнинг кўпайиш хусусиятлари тўғрисидаги билимга асосланган бўлиб, энг самарали фурсатларни назарда тутади. Агротехник тадбирлар турли усуллардан ташкил топади.

Пахтадан юкори хосил олиш ва илғор агротехника усулларидан фойдаланиш билан баркарор хосил олишга эришиш мумкин.

Самарадорликни оширишни асоси тупрокни хайдалма катлами шудгорлаш, тупрокда нам тўплаш ва уни саклаш каби чора-тадбирлари шулар жумласидандир.

Кузги шудгор аввало тупрокни киш ва бахор ойларида дам олиши хамда ерда чиринди микдори ортиши учун олиб борилади. Яна тупрокни физик хоссалари яъни сув ўтказувчанлиги ортади, ерни намдан тўйиниши хамда ёғингарчилик хисобига бўладиган намда тўйиниши учун шароит яратилади ва мўл хосил олиш имкониятини беради.

Пахтачиликда кузги шудгорлаш мухим ахамият касб этади. Уни сифатли *ўтказиш* зарур. *Акс холда навларни* хусусияти, хосил унумдорлиги, тола сифати пасаяди. Хосилни бегона ўт босади, турли хил касалликларга чалинади. Натижада махсулот таннархини ошишига сабаб бўлади. Шуларни хисобга олиб хўжалигимизда кузги шудгорлаш ишларини октябр ойининг охири, ноябр ойининг бошларида сифатли килиб ўтказилади. Хайдов ишлари мавжуд. Хайдов трактори ёрдамида

25-30 см чукурликда ағдариб хайдалади.

Ерни экишга тайёрлаш об-хаво шароити, кўпрок намлиги, ёғингарчилик миқдорига караб, ҳар хил бўлади. Тупрок намлигини сақлаб колиш учун ўз вактида бароналаш зарур. Ерни 8-10 см қатлами етилгандан сўнг бароналаш бошланади.

Жўяклаб суғорилган майдонларни экиш олдидан кўндалангига 12-14 см чукурликда бароналаш ёки чизеллаш керак.

Ғўза навларини кайси бири кандай схемада экилишидан катъий назар мухим агротехник тадбир хисобланади.

Яганалаш одатда чигит униб чиқиши, 1-2 дона чинбарг чикариши биланоқ бошланади. Яганалаш билан гектарларда экин схемасида белгиланган кўчат калинлиги сақланиб колинади. Лекин ягана килинган майдонлар 8-10 кундан кейин яна бир текшириб кўйилади.

Ғўза яганасини тез ва сифатли қилиб ўтказиш ҳар гектар ердан 4-5 ц/га ча кўшимча хосил олиш гаровидир.

Хўжаликда юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиб яганалаш ишларини, чигит экилиб 2-3 тадан чинбарг чиқаргунга қадар сифатли килиб ўтказилади. Бу ишлар тугатилиши май ойининг биринчи 10-кунлигага тўғри келди.

Ғўзага ишлов бериш суғоришни, ўсимликларни ҳолатига экилган навларини хусусиятларига ва тупроқ холатига қараб, табақалаб ўтказиш максадга мувофиқдир.

Ғўза ўсимлиги хаётида содир бўладиган асосий физиологик жараёнлар - озиқланиши, нафас олиш, фотасинтез сув етарли миқдорда бўлсагина норма ўтади. Агар ғўзага сув етарли бўлмаса, бу жараёнлар бузилади. Натижада ўсимлик ўсиши ва ривожланишидан орқада колади, сувсизлик узоққа чўзилса хосил бўлган шона ва гул тугунлари тўкилиб кетишига олиб келади.

